

ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ДУНЁ ТИЛШУНОСЛИГИДА
ЎРГАНИЛИШИ

Ochilova Risolat Rasulbek qizi

Andijon davlat chet tillari instituti

Roman - german va slavyan tillari fakulteti

Filologiya va tillarni o'qitish (Fransuz tili)

ta'lim yo'nalishi iqtidorli talabasi

Ilmiy raxbar: Fransuz tili nazariyasi va amaliyoti

kafedrasi dotsenti, PhD, M.S.Ishanjanova

Annotatsiya: *Ushbu maqolada deyxsis hodisasining dunyo tilshunoslari tomonidan o'rganilishi va uning tadqiqi natijasidagi nazariyalar, yondashuvlar tahlilga tortilgan.*

Kalit so'zlar: *deykisi hodisasi, til tizimi, nazariya va qarashlar*

Жаҳон тилшунослигида ҳар бир халқ тилида дейксис ҳодисасини лингвистик нуқтаи назардан тизимли равишда таҳлил этиш ва матн мазмундорлигини оширишдаги аҳамиятини очиб бериш алоҳида эътиборни тортади. Шу боис дейктик бирликларнинг структур-семантик, грамматик, стилистик хусусиятларини аниқлаш тилшунослик олдида турган муҳим масалалардан бирига айланди. Уларни тиллараро қиёсий йўналишда ўрганиш тилда нутқий ҳодисалар грамматикалашувига тааллуқли миллий белгилар, матн ва дискурс прагматикаси ва стилистикаси, ҳар бир тилдаги дейктик бирликларнинг таснифи, структур-семантик хусусиятларини белгилаш имконини бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Дейктик бирликларни тадқиқ этишда француз олимлари Т.Фразер, М.Виййом, Ж.Клейбер, А.Жобер рус олимлари М.Хмелевская, С.Терехова, О.Бондаренко, Б.Протасова, П.Амирова, А.Алферова, Н.Курикова, Н.Серебрянская, К.Щербаков кабилар ўз изланишлари билан ҳисса қўшдилар[1].

Дейктик бирликларнинг функциялашув жиҳатлари прагмалингвистика, когнитив лингвистика, коммуникатив лингвистика каби замонавий йўналишлар доирасида кенг тадқиқ этилмоқда. Ушбу йўналишларда дейктик бирликлар турли тизимли тиллар мисолида узлуксиз муҳокама қилиниб келинаётган бўлса-да, маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг француз ва ўзбек тилларида ифодаланиш хусусиятларини тизимли ўрганиш ҳамда уларнинг семантик таснифлаш тамойилларини ишлаб чиқиш ва дейктик механизмларни янгича ёндашув асосида очиб бериш заруриятини тақозо қилади.

Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослигида лисоний белгиларнинг нутқий мулоқот жараёнида қўлланиш хусусиятлари, коммуникатив мақсадни амалга оширишда прагматик бирликларнинг аҳамияти, улар ичида коммуникантлар фикрини баён қилишда энг самарали воситалардан ҳисобланган дейктик бирликлар мазмун-моҳиятини ўрганишга қизиқиш кучайди. Дейктик бирликларнинг нутқий

тузилмалардаги ўрнини аниқлаш француз ва ўзбек тилларидаги макон дейктик бирликлар услубий хосланганлиги ва нутқий вазият воқелик билан боғланишига кўра умумий ва фарқли белгиларга эгаллигини асослаш имконини беради.

Дейксис тилшуносликнинг тарихий категорияларидан ҳисобланиб давр ўзгариши, илм-фаннинг тарихий тараққий этиш жараёни натижасида турлича турларини пайдо бўлишига олиб келади. Дейктик бирликлар ҳар бир тилда ўзига хос хусусиятларга эга. Дейксис прагматик воситалар ичида коммуникантлар фикрини баён қилишда энг самарали воситалардан ҳисобланиб, у тилшуносликда турлича ёндашувлар асосида ёритилиб, унга турлича тасниф, турлича номлар бериб келинган. "Шифтерлар", "индексиаллар", "ҳавола бўлак" каби, лекин уларнинг турлари қанча бўлмасин матнларда улар ишора мақсадларида хизмат қилади. Дейксис объектни бевосита номламасдан унга ишора қилиши билан номинатив бирликлардан фарқ қилиши аниқланди. Таснифлардан шахс, макон, замон дейксислари универсал саналиб, макон дейксисининг матнларда қўланиши жиҳатларини чоғиштириб ўрганиш долзарбдир. Дейктик бирликлар тилшуносликда турлича ифодаланади. Дейкик бирликлар олимлар томонидан турли таснифларга эга.

Жумладан, К.Бюллер 3 гуруҳда таснифлади.

- 1) кўриниб турган объектга ишора,
- 2) бутун нутқнинг қисмларига ишора,
- 3) тасаввурларга ишора [2].

Олим бу тасниф билан дейктик белгиларни қуйидаги семантик ва функционал вазифаларининг асосий хусусиятларини санаб ўтади:

1) дейктик маънода ифодаланаётган предмет, шахснинг мутлақ, объектив хусусиятлари эмас, балки уларнинг бошқа предмет, шахсга нисбатан ажратилувчи нисбий тавсифларини мустаҳкамлаш,

2) дейктик томондан тавсифланаётган предметни ҳиссий идрок этиш, унинг нутқ иштирокчилари ҳиссий идроклари доирасида зудлик билан аниқлаш,

3) тавсифланаётган предметнинг дейктик белгисини жамият малакалари билан мустаҳкамланган тизимли доимий маъноси асносида кўра олиш,

4) нутқ фаолиятида дейктик белгиларнинг маъно ва мазмунини фақатгина уларнинг референт муносабатида аниқлаш [3].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, олимлар дейксисни турлича талқин этиб ўргансалар-да, ушбу ҳодисани ифодаловчи бирликлар асосан кишилиқ, кўрсатиш олмошлари ва равишларни ташкил этади. Категориялар ҳам дейктик маъно касб этиши янги тадқиқотларни олиб боришга ундайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ishnajanova M. "Makonni ifodalovchi deyktik birliklar chog'ishtirma tadqiqi". –Diss.fil.fa.b.falsafa.dokt. –Andijon 2021.
2. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. — Москва: Наука, 1977. — С. 170.

3. namdu.researchcommons.org/cgi/viewcontent.cgi...
4. http://en.scienceway.ru/f/the_way_of_science_no_12_58_...
5. Anarboyeva Iroda Oripovna. The repeated nomination as a unit of consistency category. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJOT/article/view/1459>